

АБУ ЯҚУБ САККОКИЙ ИШТИҚОҚ САНЪАТИ ҲАҚИДА

АКМАЛҲОНОВ АКМАЛҲОН

Таянч докторант, Ўзбекистон халқаро Ислом академияси

Аннотация. Ушбу мақолада араб тилшунослигида иштиқоқ ҳодисаси ҳақидаги қарашлар, унинг турлари ёритилади. Шунингдек, янги сўзларни ҳосил қилиш йўллари, бу жараёнда иштирок этувчи морфологик қолипларнинг ўзига хосликлари, унда кечадиган ҳодисалар баён қилинади.

Таянч сўз ва иборалар: сўз ўзаги, иштиқоқ, иштиқоқ қонунлари, иштиқоқ кабир, иштиқоқ согир, жузъий шакл, умумий шакл, вазн, асл ҳарф, зиёда ҳарф.

Аннотация. В этой статье описываются взгляды о явлении иштикак в арабской лингвистике и его виды. Также излагаются пути образования новых слов и свойства морфологических моделей, которые участвуют в этом процессе, своеобразные явления, происходящие в нем.

Опорные слова и выражения: корень слова, иштикак, законы иштикак, иштикак кабир, иштикак согир, частичная форма, общая форма, модель, коренные буквы, некоренные буквы.

Abstract. In this article, there will be described views on the phenomenon of ishtiqaq in Arabic linguistics and its types. Moreover, methods of forming new words, features of morphological models, which participate in this process, and special occurrences are also stated.

Keywords and expressions: word stem, ishtiqaq, rules of ishtiqaq, ishtiqaq kabir, ishtiqaq sogir, partial form, general form, model, kernel letter, supplementary letters.

Иштиқоқ араб тилшунослигида кенг ўрганган бўлиб, сўз ясалишининг бу тури бўйича кўплаб илмий баҳслар юритилган. XII юз йилликнинг машхур тилшуноси Абу Яқуб Саккокий бу тил ҳодисаси ҳақида ўз қарашларига эга. Бу қарашлар илмий жиҳатдан мукамаллиги боис, улар олим томонидан “قوانين الاشتقاق” деб номланган¹. Бу қонунлар бошқа тилшунос олимлар билдирган фикрларидан кескин фарқ қилмаса-да, муҳим янги қарашларни қамраб олганлиги билан характерлидир. Бу қонунлар машхур араб тилшунослиги мактабларининг вакиллари хулосалари билан боғлиқ бўлиб, улар қонунларга асос ҳисобланади.

Араб тилшунослигида сўз ясалиш ҳодисаси иштиқоқ (الاشتقاق) деб юритилади. Сўз ясалишининг энг унумли усули иштиқоқдир. Бу истилоҳ شق ўзагидан олинган бўлиб,

اشتقاق “ясаш”, “пайдо қилиш”, “келиб чиқиш” маъноларини англатади.

Замонамизнинг машхур тилшуносларидан Муҳаммад Иброҳим бу сўзга қуйидагича таъриф берган: “Бир сўздан бошқа сўзни олиш бўлиб, у икки сўзга боғлиқ маъно ва тузилиш қоидаларига мовофиқ ҳолда, маълум морфологик қолип асосида амалга ошувчи ҳодисадир”². Араб тилшунослиги тарихида бу ҳодиса ҳижрий IV аср ўрталаригача الاشتقاق الصغير أو الاشتقاق الأصغر деб юритилган. Ҳижрий IV асрнинг охириларида келиб, Ибн Жинний янги бир боб қўшди. Бу боб умумий маъно доирасидаги ясалган сўзлар боби бўлиб, бу الاشتقاق الكبير أو الاشتقاق الأكبر деб номланди³.

Абу Яқуб Саккокий бу тил ҳодисаси ҳақида шундай баҳс юритади:

² محمد إبراهيم عبادة. معجم المصطلحات النحوية والصرف والعروض والقافية. - القاهرة، مكتبة الاداب. 2011م، ص. 169
³ الأستاذ راجي الأسمر. المعجم المفصل في علم الصرف. - بيروت، دار الكتب العلمية. 1997م، ص. 140.

¹ الامام ابو يعقوب يوسف بن ابي بكر بن محمد السكاكي تحقيق حمدي محمد قابل. مفتاح العلوم. - القاهرة، دار التوفيقية. ص. 19

وإذا تمهد هذا فنقول الطريق على ذلك هو أن تبدئ فيما يحتمل التنوع من حيث انتهى الواضع في تنويحه وهي الأوضاع الجزئية. فترجع منها القهقري في التجنيس و هو التعميم إلى حيث ابتدأ منه وهو وضعه الكلي لتلك الجزئية كنحو أن تبدئ من مثل لفظ المتباين وهو موضع التباين فترده إلى معنى أعم في لفظ التباين وهو المباينة من الجانبين ثم ترد التباين إلى أعم وهو المباينة من جانب في لفظ باين ثم ترده إلى أعم وهو حصول البيئونة في لفظ بان ثم ترده إلى أعم وهو مجرد البين وهذا هو الذي يعنيه أصحابنا في هذا النوع بالاشتقاق.

Мазмуни: “Бунга киришиладиган бўлса, биз бу ҳақда шундай деймиз: бунга олиб борадиган йўл – бирон-бир шаклни охиригача турли шаклларга солишни амалга оширади. Бу турли шакллар жузъий бўлиб, ўқувчи шаклларни бошқа ҳолга келтиришда шакл ортидан орқага қайтади. Бошланган жойга қайтиш *تعميم* яъни умумлашишдир. Умумий шакл аввалги жузъий шаклга, албатта, оиддир. Мисол учун “ажралиб турувчи” бу *تباين* “ажралиб туриш” сўзидан олинган бўлиб, умумий маънога қайтарилса, икки ҳосил қилинган сўз умумий шакл *مباينة* “фарқ қилиш” сўзига бориб тақалади. *تباين* сўзи умумийликка қайтарилса, бўлади. *مباينة* “фақр қилиш” сўзи *باين* ва *بان* сўзларини умумийликка қайтарилса, бошланғич шакл ҳисобланувчи масдар “ажралиш”га бориб тақалади. Бу соҳибларимиз айтган фикрдир”¹.

Араб тилшунослигида сўз ясалиш соҳасида морфологик қолип етакчи ўрин эгаллашини юқоридаги берилган таърифдан ҳам билиб олиш мумкин. Ясалган сўзнинг морфологик бирламчи ўзагини топиш ушбу таърифда келтирилганидек, даражама-даража амалга оширилади. Бу ҳам бўлса, ўқувчига соддалаштириш мақсадида. Таърифдаги ясалган сўзнинг бирламчи шакли, ўзаги

морфологик қолипига солиниши натижасида *متباين* “ажралиб турувчи” сўзига олиб борди. Бирламчи ўзак сўз маъноси семантик жиҳатдан ясалган янги сўзлар маъноси билан, фонетик жиҳатдан асл ўзак товушлар бир хиллиги билан узвий боғлиқ “ажралиб турувчи” бу *تباين* “ажралиб туриш”, *مباينة* “фарқ қилиш”, *بين* “ажралиш” ҳамма сўзларнинг ўзак ҳарфларини *ب ي ن* ташкил қилган).

Араб тилшунослари ўртасида иштиқоқ асли борасида тортишув бор, бу тортишув иккита катта араб тилшунослик мактаблари ўртасида кечади. Абу Яқуб Саккокий таърифидаги “Бу соҳибларимиз айтган фикрдир” деган фикр Басра тилшунослик мактаби вакилларига ишорадир.

Иштиқоқ асли нима, исмми ёки феъл?

Басралик ва куфалик араб тилшунослари бу борада кенг илмий мунозара қилган. Бунга кўра, басралик олимлар: “Иштиқоқ асли масдар (ҳаракат номи)дир, чунки феъл ҳаракат номидан олинган”, дейди. Куфалик олимлар эса, бу фикрнинг аксини айтади, яъни иштиқоқ асли феъл. Ҳар иккала томон ҳам ўз қарашларини қувватловчи далилларни келтиради.

Басралик олимларнинг далиллари:

1. Масдар замонни ифодаламайди. Феъл эса маълум бир замонни ифодалайди. Шунингдек, масдарнинг замонни ифодаламаслиги асл унга боғланганидан. Шунинг учун масдар феълнинг асlidir.

2. Масдар исм ҳисобланади. Исм ўзи феъл билан боғланмагани ҳолда маъно англатади, лекин феълнинг ўзи исмсиз маъно англата олмайди. Маъно англатишда феълга муҳтож бўлади. Асл фақатгина ўзи маъно англата олади.

3. Дарҳақиқат, масдар феълнинг асли бўлгани учун шундай номланган.

4. Масдар бир нарсанинг маъносини ифода этади ва у воқеаликдир. Феъл эса воқелик билан замонни ифода этади. Шу-

¹ الامام ابو يعقوب يوسف بن ابي بكر بن محمد السكاكي تحقيق حمدي محمد قابل. مفتاح العلوم.-القاهرة، دار التوفيق، ص. 17.

харакатлар тартиб билан олинган бўлса, бу кичик иштиқоқ (мисол: أكل – емоқ феълидан الأكل – емиш); ўзак ҳарфлари таркиб билан олинмагани бўлса, бу катта иштиқоқ (мисол: جذب – судрамоқ феълидан الترتيب – тортиш); ўзакдан янги сўз ҳосил қилинган пайтда янги сўз талаффузида бир-бирига яқин ҳарфларнинг алмашиш ҳодисаси бўлса, бу энг катта иштиқоқ бўлади: أنهى – ханграмоқ феълидан نعى – ханграш ҳосил бўлади¹.

Араб тили дунё тиллари ичида энг кўп морфологик қолип орқали сўз ясалувчи тил ҳисобланиб, қадимги лотин тили, сомиё тиллар таркибига кирувчи айрим тиллар бу жиҳат билан бу тилга ўхшаш ҳисобланади².

Лексика доим ҳаракатда бўлиб, унинг ривожланиши, бойиш йўллари ҳар хил: бошқа тиллардан сўз олиш, сўз яшаш, маълум бир морфологик қолип асосида янги сўзлар ҳосил қилиш. Сўз яшаш – турли воситалар, ҳар хил усуллар, маълум морфологик қўшимчалар орқали амалга ошириладиган тилнинг барча соҳаларига боғлиқ ҳодисадир. Янги сўзларни ҳосил қилиш йўллари, бу жараёнда иштирок этувчи морфологик қолипларнинг ҳосилқиларини, унда бўладиган ўзига хос ҳодисаларни сўз ясалиши бўлими текширади.

Таниқли араб тилшуноси Рожи Асмар иштиқоққа қуйидагича таъриф беради: “Иштиқоқ – аслдан ажраб чиққан қисм бўлиб, қисм ажралиб чиққанда, ўзакнинг ҳарфлари унда ҳам акс этишидир”³. Иштиқоқ ҳодисаси маълум морфологик қолип ташкил қилиши юқорида зикр қилинди. Бу морфологик қолипнинг асл ҳарфлари ва зиёда ҳарфлари бўлади. Бу ҳам маълум қонуниятларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бу ҳодисадаги маълум бир

қонуниятлар морфологик, семантик, фонетик жиҳатларга боғлиқ ҳолда бўлади.

Саккокий иштиқоқ ва унинг муҳим белгилари ҳақида шундай ёзади: “Ўзакни ташкил қилувчи асл ҳарфлар ҳодисасига тўхталсак, бу ўзида иштирок этувчи ҳарфларнинг меъёрини талаб қилиб, жузъий маънолари умумий маънога қайтувчи ўхшашларига эришиш ҳодисасидир. Бу ҳодисада ҳарфларни ўзгартириш, тушириб қолдириш ёки орттиришни ман қиладиган ҳодиса эмас. Буларнинг бари маълум қонуниятга асосланган бўлади. Ўзгартириш (القلب) ҳодисаси кичик иштиқоқда ҳам учрайди. Мутлақо аниқ бўлса ҳам, муайян қоидада амал қиладир. Бу қоидаларсиз сўз ҳосил қилинса, тўғри бўлмайди. Бу қоидалар ҳарфлар бўлиб, улар ўзак ҳарфлари деб номланади. Сўздаги ўзак ҳарфлардан бошқалари зиёда ҳарфлар деб юритилади. Агар ўзак ҳарфларни аниқлаштириш лозим бўлса, улар морфологик шакл ҳосил қилувчи ل ع ف билан тартиб билан алмаштирилади. Сўз ўзаги тўртта ёки бешта бўлса, ل зиёда қилинади”.

Таърифда келтирилган морфологик шакл ҳосил қилувчи ҳарфлар бошқа олимлар томонидан ҳам эътироф этилган. Таъриф давомида олим: “Сўзнинг шакли ирода қилинса, шу ҳарфлар билан амалга оширилади. Шу ҳарфлардан тузилган шакл эса вазн деб юритилади”, – деб ёзади.

Морфологик вазндаги зиёда бўлган ҳарфларни, алмашиб келган ҳарфларни, ўзгариб келган ҳарфларни билиш иштиқоқнинг асосий мезонларидандир. Бу мезонларни Саккокий “قوانين الاشتقاق” деб талкин қиладир. X юз йилликда яшаб ижод этган Ибн Жинний бу мезонларни “أضرب التصريف” “сўз яшаш турлари (ҳодисалари)” деб атаган эди. Иштиқоқ муайян тур бўладими, қонун бўладими – булардан қатъи назар, сўз ясалишидаги товушлар билан боғлиқ мезонларни қамраб олади.

Ибн Жинний бу турларнинг энг биринчисини “الزيادة” деб номлайди ва бу турга қуйи-

¹ العلامة الألمعي الأديب التحرير الألمعي الأديب التحرير الشيخ محمود العالم المنزلي. الأصول. 1322هـ، ص. 35.
عبد القادر عبد الجليل. علم الصرف الصوتي. – عمان، أزمّة. 1998م، ص. 37.
³ الأستاذ راجي الأسمر. المعجم المفصل في علم الصرف. – بيروت، دار الكتب العلمية. 1997م، ص. 145.



маъносидан фаркли ва улар ўртасида семантик боғлиқлик, фонетик ўхшашлик бор).

2. Сўз ясалишининг бирламчи материали товуш ҳисобланади. Бу товушларни маълум қолипларга солиш орқали янги сўз ҳосил қилинади. Янги сўз ҳосил қилиш маълум морфологик қоидаларга асосланган бўлади. Сўзнинг морфологик вазнини билиш ундаги зиёда ҳарфларни билиб олишга олиб боради. Мисол учун: مدرسة – мактаб сўзининг морфологик шакли юқорида таъкидланган вазн ҳарфлари билан алмаштирилса, مفعلة вазни ҳосил бўлади, Бундаги م ва ة ҳарфлари ўзакдаги зиёда ҳарфлар, درس эса ўзакни ташкил этувчи асл ҳарфлар. Бу морфологик вазн иштиқокда семантик, морфологик, фонетик жиҳатдан катта аҳамият касб қилади. Семантик жиҳатдан бу вазн бир иш-ҳаракат доимий равишда такрорланадиган ёки бирор предмет доимий бўладиган, унга хосланган жой маъносини ифода этади. Шу жиҳатдан مدرسة сўзи “ўрганиш” жараёни кўп такрорланадиган жой, яъни мактаб. Фонетик жи-

ҳатдан: а) ўзак ҳарфларни тартиб асосида жойлаштирилмаса, янги лексема ҳосил бўлмайди; б) ўзакдан ташқаридаги ҳарфларни билиб олинмаса, сўз ҳосил бўлмайди. Морфологик жиҳатдан зиёда ҳарфлар билан асл ҳарфлар аралашиб кетса, сўз ҳосил бўлмайди. Бу ҳодисаларнинг бари морфологик вазн билан боғлиқ тил ҳодисалари ҳисобланади.

Араб тилида сўз ясалиши маълум морфологик шакллар орқали амалга оширилади. Бу морфологик қолиплар ўз ичига аффиксация, конверсия, фонетик сўз яшаш усуллари қамраб олади. Бу тилда сўз яшашнинг кенг қўлланадиган энг унумли, етакчи усули морфологик қолип орқали сўз яшаш йўлидир. Бу йўл билан сўз ясалишида, биринчидан, семантик бошқачалик (мисол: ўзак ҳисобланувчи сўз ясалган сўз маъносидан жиддий фаркланадиган умумий маънодан чиқиб кетмайдиган янги маънога эга бўлиши), иккинчидан, морфологик-фонетик бошқачалик (ўзак сўзнинг қолипи ёки товушлари ясалган сўздан фарқланиши) келиб чиқади.



СИНДҲИЙ ТИЛИДА ОТГА ХОС ЛЕКСИК-ГРАММАТИК РАЗРЯДЛАР (КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИ АСОСИДА)

РАҲМАТЖОНОВА КАМОЛА

Таянч докторант, ТошДШИ

Аннотация. Мақолада синдҳий тили отга хос грамматик категорияларининг лексик-семантик жиҳатлари ва тадрижий ривожига ҳақида сўз боради. Шунингдек, бир қатор олимлар, хусусан, Л. А. Бархударова, Р. П. Егороваларнинг бу хусусдаги фикрлари таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар ва иборалар: флексив, аналитик, морфологик, темпорал, локал, послелог, татпуруш, пракрит, апабхрани.

Аннотация. В статье говорится о лексико-семантических особенностях и эволюции форм имени существительного как самостоятельной грамматической категории в языке синдхи. А также приводятся мнения о данной лексико-грамматической категории ученых Л. А. Бархударовой и Р. П. Егоровой.

Опорные слова и выражения: флексивный, аналитический, морфологический, темпорал, локальный, послелог, татпуруш, пракрит, апабхрани.

Abstract. The article is about lexico-semantic features and evolution of noun as an independent grammatical category in Sindhi. Opinions of scientists on this matter L. A. Barhudarova and R. P. Egorova are also discussed in it.

Key words and expressions: flexional, analytical, morphological, temporal, local, poslelog, tatpurusha, pracrit, apabhramsha.

